

IQTISODIY TADQIQOTLAR  
ЭКОНОМИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ  
ECONOMIC RESEARCH

ILMIY JURNALI

3  
2021

**TOSHKENT DAVLAT IQTISODIYOT  
UNIVERSITETI**

**“IQTISODIYOT” FAKULTETI**

**IQTISODIY TADQIQOTLAR  
(ЭКОНОМИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ,  
“ECONOMIC RESEARCH”)**

**ILMIY JURNALI**

**3**  

---

**2021**

**Toshkent**

3  
2021

Elektron ilmiy jurnal  
Научный журнал  
Scientific magazine

IQTISODIY TADQIQOTLAR ILMIY  
JURNALI

**MUASSIS**

Toshkent davlat iqtisodiyot  
universiteti

**Tahrir kengashi raisi:**

Abduraxmonov Qalandar Xodjayevich – i.f.d., prof.,  
akademik

**Tahrir kengashi:**

Eshov Mansur Po'latovich- i.f.d., professor  
Abduraxmonova Gulnora Qalandarovna – i.f.d., professor  
Xudoyqulov Sadriddin Karimovich – i.f.d., professor  
Begalov Baxodir Abdusalovich- i.f.d., professor  
Bekmurodov Adxam Sharipovich- i.f.d., professor  
Vaxabov Abduraxim Vasikovich- i.f.d., professor  
Maxmudov Nosir Maxmudovich- i.f.d., professor  
Salimov Baxtiyor Tadjiyevich- i.f.d., professor  
Mustafaqulov Sherzod Igamberdiyevich- i.f.d., professor  
Jumayev Nodir Xosiyatovich- i.f.d., professor  
G'ofurov Ubaydullo Vaxabovich- i.f.d., professor  
Xolmo'minov Shayzaq Raxmatovich- i.f.d., professor  
Amirov Lochinbek Fayzullayevich – i.f.n., PhD  
Xatamov Ibodullo Sadullayevich – i.f.n., dosent  
Asqarova Mavluda Turopovna- i.f.n., dosent  
Xajiyev Baxtiyor Dushaboyevich- i.f.n., dosent  
G'ayibnazarov Sanjar Baxodirovich – i.f.n., dosent  
Kamalova Malika Nizamovna- i.f.n., dosent  
Mamaraximov Begzod Erkinovich- i.f.n., dosent

**Tahrir hay'ati:**

Begzod O'rinnov- (AQSh)  
Uktam Burxanov – (Chexiya)  
Bozorboy Berkinov – i.f.d. (O'zbekiston)  
Mark Rozenbaum (AQSh)  
Wolfgang Lukas (Germaniya)  
N.V. Morozov (Rossiya)  
Viktoriya Vdovichenko (Ukraina)  
Gulyabmir Raxmani (Afg'oniston)  
Axmed Muxamed Aziz Ismail (Misr)  
Kaukab Azim (Saudiya Arabistoni)  
Sherqul Shodmonov (Toshkent)  
Rauf Salaxodjayev (Toshkent)  
Axmedjon Mamatov (Toshkent)  
Ju Jengron (Xitoy)  
Jou Chingjiye (Xitoy)

© ISSN 2181-4457

**IQTISODIY TADQIQOTLAR ILMIY  
JURNALI**

**3  
2021**

**Elektron ilmiy jurnal  
Научный журнал  
Scientific magazine**

**Bosh muharrir:**

Eshov M.P.- i.f.d., prof.

**Bosh muharrir o'rbinbosari**

Amirov L.F. - PhD

**Adabiy muharrir**

Xajiyev B.D.- i.f.n., dots.

**Musahhih:**

Jurnal sahifalarida chop etilgan materiallardan foydala-nilganda "Iqtisodiy tadqiqotlar" ilmiy jurnalidan olindi deb ko'rsatilishi shart. Tahririyat taqdim etilgan maqolalarni taqriz qilish va qaytarish majburiyatini olmagan. Maqolada keltirilgan dalillar va ma'lumotlar uchun muallif javobgar.

**Veb-sayt manzili: <https://economicresearch.tsue.uz>**

**E-mail: [economicresearchjournal@gmail.com](mailto:economicresearchjournal@gmail.com)**

## MUNDARIJA

IQTISODIYOT, INNOVASIYA VA TADBIRKORLIK NAZARIYA VA AMALIYOT		
Xajiyev B.D.	Yangi O'zbekiston iqtisodiyotida kichik biznes va xususiy tadbirkorlikni rivojlantirish – muhim yo'naliш.....	6
Qurbanova O.T.	Features of pricing in modern economy.....	18
BARQAROR IQTISODIY RIVOJLANISH: MAKROIQTISODIY YONDOSHUV		
Eshov M.P.	Makroiqtisodiy barqarorlikni ta'minlash iqtisodiy o'sishga erishishning yo'nalishi.....	21
Yakubov I.O., Xayitov S.B.	O'zbekistonda xalqaro mintaqaviy hisoblar tizimi standartlaridan foydalanish imkoniyatlari.....	26
Дадаханова С.М.	Новые инструменты в привлечении инвестиций: рынок капитала и ЕТФ как важный фактор повышения инвестиционной привлекательности региона.....	33
Bustonov M.M.	Yangi O'zbekistonda raqamli iqtisodiyotga o'tish sharoiti-da iqtisodiy o'sish sifat omillarining ta'siri.....	37
INSON RESURSLARINI BOSHQARISH, IJTIMOIY SIYOSAT VA BANDLIK		
Abdurakhmanov G.K., Kurbonov S.P.	Promoting efficient and productive employment in the labor market.....	41
Ismailov A.M., Yuldashev G'.T.	Qurilish ishlab chiqarish jarayonida aholi bandligi va ular mehnatidan samarali foydalanish.....	55
Najimadinov R.D.	Demografik o'zgarishlarning qishloq mehnat bozorini boshqarishga ta'siri.....	58
Bozorova S.A.	Rekruting agentliklari - aholini ish bilan ta'minlashning istiqbolli yo'nalishi sifatida.....	62
Karimova N.S.	Kambag'allik - yangi O'zbekistonning asosiy ijtimoiy-iqtisodiy muammosidir.....	70
Maxamatov E.Y.	Kambag'allikni qisqartirishda kichik biznes va tadbirkorlik – taraqqiyot omili sifatida.....	75
TARMOQLAR IQTISODIYOTI VA REAL SEKTORNI KOMPLEKS RIVOJLANTIRISH		
Махмудов Н.М.	Теории международной торговли и их применение в экономике.....	82

## ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТГА ЎТИШ ШАРОИТИДА ИҚТИСОДИЙ ЎСИШ СИФАТ ОМИЛЛАРИНИНГ ТАЪСИРИ

**Бустонов М.М.** - Наманган  
муҳандислик-технология институти,  
“Иқтисодиёт” кафедраси доценти

**Аннотация.** Янги Ўзбекистонда рақамли технологияларнинг жадал ривожланишини ривожланишини ходимларнинг мобиллиги ошиши ва сифат жиҳатидан янги иш ўринларининг пайдо бўлишига олиб келмоқда. Шу сабабли ушибу мақолада Ўзбекистон Республикаси шароитида иш билан бандликнинг замонавий шаклларидан фойдаланиши имкониятлари таҳлил этилган ҳамда тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Калим сўзлар:** меҳнат бозори, иш билан бандлик, меҳнат муносабатлари, масофавий иш билан бандлик, фрилансинг.

Жаҳон иқтисодиётининг ҳозирги фан-техника тараққиётида "Рақамли" иқтисодиёт самарадорликни оширишда, корхона мижозларини кўпайтиришда бу эса ўз навбатида ишлаб чиқариш жараёнинг янги мижозларни жалб қилишга имконият бериш билан бирга айни пайтда яхшироқ хизматни ҳам таклиф қила олишда биринчи ўринда туради. "Рақамли" иқтисодиётнинг афзаллilikлари жуда кўп бўлиб, энг муҳими, бу яширин иқтисодиётнинг олдини олади ва коррупцияни йўқ қилишга ёрдам беради. BCG маълумотларига кўра: интернет маҳсулотлари 2020 йилда 1,9 дан 14,4 триллион долларгача қўшимча даромад келтирган бўлса, 2025 йилга бориб жаҳон иқтисодиётига тахминан 6 триллион доллар қўшиши мумкин<sup>8</sup>.

Рақамли иқтисодиётнинг ривожланган мамлакатлар ялпи ички маҳсулотидаги улуши 5,5 %га, ривожланаётган мамлакатларда эса 4,9 %га teng. Бу кўрсаткич Буюк Британияда - 12,4 %, Жанубий Кореяда - 8%, Хитойда - 6,9%, Ҳиндистонда - 5,6 %, Россияда - 2,8 %, Қозогистонда - 3,9 %ни ташкил этади<sup>9</sup>. Ўзбекистон Республикасининг "Электрон ҳукумат" тизимини ривожлантириш концепцияси лойиҳасига мувофиқ, 2025 йилга бориб АҚТнинг ялпи ички маҳсулотдаги улушини 5,0 фоизга етказили-шини кўзда тутадиган бўлсак, ҳозирги вақтда ўртacha қабул қилинадиган қийматни 7-8% эканлигидан, нафақат Ўзбекистон Республикасида бошқа паст кўрсаткичли мамлакатларда ҳам рақамлаштириш бўйича кўпроқ иш олиб борилишини тақазо этади.

Бу борада Ўзбекистон раҳбарияти ва ҳукумати сўнгги йилларда миллий иқтисодиётни тубдан модернизация этиш борасида олиб борила-ётган кенг қамровли ислоҳотлар мамлакатнинг ижтимоий-иктисодий ҳаёти ва давлат бошқаруви тизимига рақамли технологияларни жорий этишни талаб қилмоқда. "Рақамли иқтисодиётни ривожлантириш, иқтисодиётда давлат бошқарувини камайтириш, давлат ва хусусий секторларнинг ўзаро фойдали ҳамкорлигининг

<sup>8</sup> UK Government Office for Science. The Internet of Things: making the most of the Second Digital Revolution. – URL:[https://www.gov.uk/government/uploads/system/uploads/attachment\\_data/file/409774/14-1230-internet-of-things-review.pdf](https://www.gov.uk/government/uploads/system/uploads/attachment_data/file/409774/14-1230-internet-of-things-review.pdf) (02.05.2017).

<sup>9</sup> Digital economy: course in 2020. URL: <http://files.runetid.com/2019/itogi2019/presentations/14dec>.

замонавий шаклларини, «Электрон хукумат» тизимини ривожлантириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш<sup>10</sup> масаласи устувор вазифалар сифатида белгиланган. Бу борада «рақамли иқтисодиёт» миллий концепциясини ишлаб чиқиш, рақамли иқтисодиётни ривожлантириш орқали ялпи ички маҳсулот ҳажмини қўшимча ўстириш билан боғлиқ илмий тадқиқотларни амалга ошириш муҳим аҳамият касб этади.

Рақамлаштириш глобал иқтисодий ўсишининг энг муҳим омилига айланмоқда. Рақамли технологияларни жорий қилишдан глобал ва миллий иқтисодиёт доирасида рақамли экотизимни яхлитлигини таъмин-лаш мумкин. Ушбу тенденция барча мамлакатларда рақамлаштириш жараёни иштирокчилари - давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, бизнес, таълим муассасалари, саноат корхоналари ва молиявий тузилмалар ўртасида самарали ўзаро алоқалар зарурлигини акс эттиради.

Рақамли иқтисодиётни ривожлантириш нафақат алоҳида иқтисодий тизимлар учун, балки бутун давлат учун ҳам устувор вазифадир. Тўртинчи саноат инқилобига ва олтинчи технологик тартибга ўтишда ҳал қилувчи аҳамияти учун рақамлаштириш жараёни айниқса муҳимдир. Миллий иқтисодиётни рақамлаштириш аллақачон кўпгина мамлакатларнинг иқтисодий ривожланишининг муҳим таркибий қисмига айланди ва яқин келажакда рақобатбардошлик ва турмуш даражасини ошириб, барқарор ишлаб чиқариш ўсишининг институционал асосига айланмоқда.

Бу борада 2020 йил 28 апрелда қабул қилинган «Рақамли иқтисодиёт ва электрон хукуматни кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори муҳим аҳамият касб этади. Жумладан, мазкур Қарорда қўйидаги «2023 йилга келиб рақамли иқтисодиётнинг мамлакат ялпи ички маҳсулотидаги улушкини 2 бараварга кўпайтиришни назарда тутган ҳолда, шу жумладан, ишлаб чиқаришни бошқаришда ахборот тизимлари комплексини жорий қилиш, молиявий-хўжалик фаолиятда ҳисбот юритища дастурий маҳсулотлардан кенг фойдаланиш...»<sup>11</sup> вазифа сифатида белгилаб ўтилгани алоҳида эътиборга сазовордир.

Тадқиқотлар шундан далолат берадики, яқин келажакда рақамли иқтисодиёт жаҳон иқтисодиётининг катта қисмини қамраб олади. Рақамли оммавий ахборот воситаларининг пайдо бўлиши билан (Интернет, мобиль телефонлар ва маълумотларни йиғиш, сақлаш, таҳлил қилиш ва етказиб беришнинг барча бошқа воситалари) рақамли шаклда маълумотларни тез, аниқ ва самарали равища кўпайтириш ва тарқатиш ҳамда «дифузиялар»ни бошқариш мумкин бўлади. «Кенг маънода «рақамлаштириш» жараёни одатда рақамли технологияларни, яъни ахбо-ротни яратиш, қайта ишлаш, алмаштириш ва

<sup>10</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони. – [www.lex.uz](http://www.lex.uz)

<sup>11</sup> «Рақамли иқтисодиёт ва электрон хукуматни кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. 2020 йил 28 апрел// <https://uzreport.news/politics/2023-yilga-kelib-ra-amli-i-tisodiyotning-mamlakat-yaimdagi-ulushi-2-baravarga-kupaytirilad>. Электрон ресурс.

узатиш технологияларини оммавий жорий этиш ва ўзлаштириш билан бошланган ижтимоий-иктисодий трансформация деб тушунилади»<sup>12</sup>.

Бу жараён микроэлектроника, ахборот технологиялари ва телекоммуникацияларнинг ривожланиши билан белгиланади ва цивилизация ривожланишининг табиий босқичи бўлиб хизмат қиласди. Иктисодий тараққиёт кўрсаткичини ушбу баҳолаш замонавий иктисодиётнинг рақамли шаклга ўтиши одатий ҳодиса эканлигини тан олиш хуқуқини беради.

Бу етакчи мамлакатларнинг иктисодий ривожланишининг амалдаги амалиётида яққол намоён бўлади. Шундай қилиб, таъкидлаш жоизки, бугунги кунда ишлаб чиқаришни, иктисодиётни «рақамлаштириш» харажатлари IT-бюджетнинг ўртача 18 фоизини ташкил этади, бу кўрсаткични 2021 йилда 28 фоизгacha ошириш имконияти мавжудлигини эътиборга олсак Бозор раҳбарлари учун бу кўрсаткичлар 34-44 %-деб баҳолаган<sup>13</sup>. Шундай қилиб, иктисодиётни рақамлаштириш объектив, муқаррар жараён бўлиб, уни тўхтатиши мумкин эмас.

Ижтимоий ва глобал муаммоларни ҳал қилишда рақамли платформалар:

Илм-фан ва бизнес, ҳукумат ва фуқаролик жамияти ўртасидаги алоқаларни соддалаштиради ҳамда ишлаб чиқариш самарадорлигини оширади.

Бизнес ва иш билан таъминлаш учун янги имкониятлар яратади, таълим ва касбий малакасини доимий равишда яхшилайди ҳамда кенгайтиради.

Ижтимоий заиф гурухларнинг эҳтиёжлари, ижтимоий тадқиқотлар учун янги имкониятлар яратиш ва иқлим ўзгариши хавфини камайтириш.

Ичимлик суви ва озиқ-овқат танқислиги, энергия етишмаслиги ва бошқалар

### **1-расм. Рақамли платформалар долзарб ижтимоий ва глобал муаммоларни ҳал қилишдаги роли<sup>14</sup>**

«Турли хил хисоб-китобларга кўра, рақамли иктисодиёт турли соҳаларнинг 50 %-дан ортиғи учун улкан ўзгаришларни келтириб чиқаради. Бу ахборот технологиялари ва платформалари бизнес моделларини тубдан ўзgartирishi, воситачиларни йўқ қилиш ва оптималлаштириш орқали уларнинг самарадорлигини ошириши билан боғлиқ бўлиб, Жаҳон банки эксперталарининг фикрига кўра, Интернетдан юқори тезлиқда фойдаланувчилар сонининг 10

<sup>12</sup>This definition is given, inter alia, by experts UNCTAD (The Transformative Economic Impact of Digital Technology, [http://unctad.org/meetings/en/Presentation/ecn162015p09.Katz\\_en.pdf](http://unctad.org/meetings/en/Presentation/ecn162015p09.Katz_en.pdf)

<sup>13</sup>Company "Ay-Teko" held a presentation "towards new frontiers" [http://iteco.vestifinance.ru/na\\_puti\\_k\\_globalnojj\\_cifrovizaci](http://iteco.vestifinance.ru/na_puti_k_globalnojj_cifrovizaci) Electronic resource. Access date 04.12.2017.

<sup>14</sup> Муаллиф томонидан тузилган

фоизга қўпайиши ЯИМнинг йиллик ўсишини 0,4 дан 1,4 фоизгача ошириши мумкин»<sup>15</sup>, деб таъкидлаб ўтилган.

Рақамли иқтисодиёт иқтисодий ўсишнинг драйвери сифатида янги рақамли маконни яратади ва глобал иқтисодий маконнинг кўплаб иштирокчиларига катта микдордаги маълумотларга киришни таъминлайди. Яратилган «катта маълумотлар» технологиялар билан бир қаторда давлат, бизнес ва фуқаролик жамиятининг етакчи бойикларидан бирига айланади. Рақамли платформалар долзарб ижтимоий ва глобал муаммоларни ҳал қилишда ёрдам беради.

Рақамли иқтисодиёт стратегиясини танлашда барча бошқарув қарорлари унинг асосий мақсадига - Интернетга киришни кенгайтиришга, аниқроғи қўпайиш учун рақамли бўлинишни, мулкнинг асоси ва таваккалчилик имкониятларидан ҳамда ахборот-коммуникация технологиялари лойиҳаларининг тез-тез ишламай қолишидан холос бўлишга қаратилган бўлиши керак. Бундан ташқари, хўжалик юритувчи субъектларнинг нолинчи транзакция харажатлари бўйича фаолияти интеграцияни ўсишига ёрдам беради, бу эса илгари эришиб бўлмайдиган хизматлардан фойдаланиш имкониятини оширади.

Иқтисодиётда янги усулда бўлгани каби иқтисодий фаолиятнинг асосий омиллари электрон технологиялар ва хизматлар шунингдек рақамли шаклда тақдим этилган, қайта ишлаш ва таҳлил қилиш анъанавий бошқариш шакллари билан таққослаганда товарларни, ишларни ва хизматларни ишлаб чиқариш, истеъмол қилишда самарадорлик ҳамда сифатни оширишда, жумладан катта маълумотларни таҳлил қилиш ва прогнозлаш шунингдек бошқарув тартибида рақобатдош устунликка эга.

Хулоса қилиб айтганда, рақамли иқтисодиёт глобал ривожланишнинг муҳим ечими бўлиб, глобал муаммоларни илғор ечимларини таклиф этади, бошқарув қарорлари самарадорлигини оширади ва мамлакатнинг иқтисодий фаровонлигини шакллантиришда бизнес ҳамда фуқаролик жамиятининг фаол иштирокини рағбатлантиради.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. <https://aza.uz/oz/politics/zbekiston-respublikasi-prezidentishavkat-mirziyeevning-oliy-25-01-2020>.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 2 мартағи ПФ-5953-сон “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришининг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш иили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги Фармони.
3. Абдурахмонов Қ.Х. Мехнат иқтисодиёти: назария ва амалиёт. Дарслик. Қайта ишланган ва тўлдирилган З-нашири. Т.: «FAN», 2019. 552-б.
4. Зокирова Н.К., Абдурахманова Г., Сагидуллин Ф.Р. Трансформация форм занятости в инновационном развитии // International scientific review. 2020. №LXX. – С. 24-28.
5. Одегов Юрий Геннадьевич, Павлова Валентина Васильевна Новые технологии и их влияние на рынок труда // Уровень жизни населения регионов России. 2018. №2 (208). – С. 60-70.

<sup>15</sup> The Economics of Modern Manufacturing: Technology, Strategy, and Organization, Paul Milgrom and John Roberts, The American Economic Review, June, 1990.

# IQTISODIY TADQIQOTLAR

ELEKTRON ILMIY JURNALI

---

**Tahririyat manzili:**

100003, Toshkent sh., Chilonzor tumani, I. Karimov ko'chasi 49-uy  
Telefonlar \*\*\*\*